# Оила ва жамият

33 сон
26 август – 9 сентябрь 1998 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси


Ўзбекистон — муқаддас Ватан. Ота-бобомиз хоки ётган ер. Ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш — бугунги куннинг энг устивор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Тарихий шон-шуҳратимизни, бугунги кунимизни, жаҳонда тутган ўрнимизни англаб, порлоқ келажакка муносиб соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказишга эътибор бераётганимиз ҳам — бугунги кунимизнинг ёрқин белгисидир.

**Ислом КАРИМОВ**





*Азим СУЮН*

## ВАТАН

***Айланур коинот, айланур абад,***
***Она Ўзбекистон! Ёниқ чироғинг.***
***Дўстларинг боши тик, душманинг барбод,***
***Гувоҳдир Туркистон — қадим тупроғинг.***

***Аждодлар руҳига балли!***
***Шуур, шукуҳига балли!***

***Офтоб диёрисан: яшнар дала, боғ,***
***Мардларинг сабоғи тирик, барқарор.***
***Жайхунинг, Сайхунинг белингга белбоғ,***
***Туз-нонинг ҳалол, пок, дин-имонинг ёр!***

***Олов-оташингга балли!***
***Сарвар қуёшингга балли!***

***Барча эл оламда бўлсин жону тан,***
***Йўқолсин адоват, тенгсизлик зулмат.***
***Ўзига қутлуғдир ҳар битта Ватан,***
***Ўзига улуғдир ҳар битта миллат!***

***Зулм адосига балли!***
***Ҳурлик бақосига балли!***

***Пойдор бўл, элдор бўл, о Ўзбекистон,***
***Ўз туғинг, ўз туғронг — бахт-иқбол, яша!***
***Кураш, бу — мангулик ҳақиқат ва шон!***
***Толеингда абад истқбол, яшна!***

***Истиқлол йўлига балли!***
***Истиқбол йўлига балли!***






*Миробид **МИРСОДИҚОВ** фотолавҳаси*

# ДИЛИМИЗ ТЎРИДАГИ БУ ВАТАН...

Ватанни таниш, Ватанни тушуниш, Ватан меҳрини жонда-қонда ҳис этиш қачон, қандай тарзда кечади? Умуман инсондаги бу муқаддас, илоҳий бир ҳолатни шунчаки ифодалаш ва тағин вақт ўлчовида белгилаб шарҳлаб бериш қулдан келадиган ишмикан?

Ҳали бола эдим... Оиламиздаги шарт-шароит шундай эдики, биз 10-15 йиллар давомида нуқул ўз уйимиз йуқлигидан у жойдан бу жойга кўчиб юргандик... Уруш қатнашчиси бўлган отам 4-5 ёшимда вафот этганди. Аямнинг ўқитувчилик маоши биз — 4 фарзандни боқиш, кийинтиришга етиб-етмасди. Уй-жой олишга эса қўли калталик қиларди... Самарқанд вилоятидаги бир неча туман ва қишлоқлар, шаҳарнинг узидаги аллақанча кўча ва маҳаллалар, Сирдарё буйидаги қишлоқ .. Кундузими ё шому тундами кўчкуронимиз ортилган юк машинада навбатдаги манзил-маконга йўл оларканмиз, бошимиз устидаги осмонга боқиб, болаларча соддалик ва гўллик билан ўйлардим: қизиқ, биз қайга кўчиб борсак, қуёшу ой ҳам изимиздан қолмайди, нуқул биз билан бирга юргани юрган-а... Дарҳақиқат, қаерда яшамайлик — қуёшу ой бизга ҳамроҳ, теварак-атрофимиз эса яхши одамларга тула эди. Уларнинг ҳаммалари бизга қариндош бўлишса керак, деб ўйлардим мен Қайда булмасин одамларнинг меҳрли, иссиқ чеҳрасини сезганман, қўни-қўшничиликнинг «Бор товоғим-кел товоғим»лари — ҳозиргина соғилган ва девор тепасидан ё дарчадан узатилган бир косагина сут, тандирдан чиққан иссиққина нон, буғи чиқиб турган тотли ош-овқат... Ҳамжиҳатликда утган туй-ю маросимлар, қувончу қайғулар, йиғию кулгилар... Раҳматли аямнинг узларини якка-ёлғиз сезганларини, турмушдан нолиганларини сира эшитмаганман. Ана шу ягона Ойу Қуёш остидаги Туронзамин сингари саҳоватга, минг бир хосияту хислатга, фазилатга бой халқимизнинг меҳру ардоғи ҳамиша бизга йўлдош эди... «Жаннат деганлари шу юртимизнинг ўзида», — дерди аям, серюлдуз осмонга маҳлиё тикиларкан, ёзу кузларимиз бахш этган саррин ҳаволардан тўйиб-тўйиб симираркан, боғу экинзорларнинг турфа ноз-неъматларидан баҳра оларкан, қишу баҳорларининг-да ўзига хос ажаб бир тароватли нақшу нигорларига ошиқу шайдо бўларкан...

Ватанимиз мустақиллиги шарофати ила дунёга йул очилди, фуқароларимизинг дунёни кезиб, дунё билан танишуви одат тусига кирди. Юртдошларимиз учун қитъалар, мамлакатларга бориб-келиш осондан-осонроқ ишга айланди. Лекин мен ҳеч қачон ўзга юртлар, мамлакатларга бориш-кўришни ҳавасу орзу ва ё армон ҳам қилмаганман. Нимагадир етишмоқни хоҳласангу, етиша олмасанг, ҳавасу армон ана шунда пайдо бўлади. Бу Ватанда яшаркан, назаримда инсон ўзга юртларни орзу қилишга эҳтиёж ҳам сезмайди: Бу ўлканинг табиати бой ва чиройли, ҳавоварию наволаридан ҳар қандай танга роҳат қуйилиб келади. Унинг инсоният кухна тарихида ўз ўрни ўз шаън-шавкати бор. Юртимиз раҳбари Ислом Каримов «Мулоқот» журнали (1998 йил 5-сон)даги мақоласида шундай дейди: «Ҳозир Узбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу юрт дунё илм-фани тараққиётига ўз кашфиётларини қуша олган маълум ва машҳур олиму донишмандларига эга. Жаҳон эстетикасини бойитган санъати, маданияти, адабиёти бор. «Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг саноқли мамлакатларигина биз билан беллаша олишлари мумкин», — дедилар юртбошимиз уша мақолада. Яратганнинг ўзи бу заминнинг ер остини ҳам, ер устини ҳам беҳисоб бойликлар билан сийлаган. Президентимизнинг яна бир сўзлари ёдга келади. «Ўзбекнинг феълатвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дупписида сув ташиб бўлса ҳам, дарахт кўкартиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир»...

Дунёдаги ҳар бир халқ ирқи, миллатидан, қайда истиқомат қилишидан қатъий назар, узига хос чиройи жозибасига, не бир хислату фазилатига эга... Ҳаммамиз ҳам Аллоҳ Таоллонинг бандаларимиз, бу дунёда меҳмонлармиз... Умримиз-ҳар биримизга ажратилган сониялар, лаҳзалар, соатлар, кунлару ойлар ва ниҳоят йиллар эса шафқатсиз суръатда ўтаверади, ўтаверади. Қоп-қора сочларимизга қиров қўнади, таранг юзларимизга ажин тушади, белимиздан-билагимиздан қувват кетади... Хуш, бу ўтар кетар дунё экан, унда яшамоқнинг маъниси не? Инсон қадрланмаса, инсон қадрини англамаса-ўзини билмаса, инсон инсонни бошига кўтармаса, бу дунё барбод бўлади. Ҳаёт эса ўзининг асл мазмун-моҳиятини йўқотади. Биз бу оламнинг ушбу ҳақиқатини узга ҳамма халқлардан кўра яхшироқ ва чуқурроқ англаган, бу ҳақиқатни қон-қонига сингдириб олган, ўз турмушини шу ҳақиқатга бўйсундира олган халқмиз... Табиат гултожи — инсоннинг инсонга — инсонларга бўлган ажаб бир меҳри муҳаббати, садоқати, ишончи, эътиқоди бизнинг кундалик ўзаро одатий, оддий муомала-муносабатларимизда, бизнинг минг йилликлар қаъридан худдики булоқ сувидек соф ҳолича сақланиб, бугунимизгача етиб келаётган урф-одатларимиз, анъаналаримиз, эртаку достонларимиз, қўшиғу оҳангларимиз, мақолу нақлларимиз — маънавиятимиз ва маданиятимиз илдизларини ташкил этувчи барча-барча қадриятларимизда юксак даражада уз ифодасини топа олган.

Бу дунёнинг гўзалликлари инсоннинг инсонларга меҳру муҳаббати ҳосиласидан бунёд топади, аслида ҳам. Демак, биз астойдил истасак, интилиб изласак, умримиз имкониятларини тўлиқ сафарбар эта олсак, бу Ватан довруғига довруғ қўшган, тараққиётини таъминлаган бўларканмиз.

Мен Ватанимиз мустақиллиги, эрта-индин нишонланажак қутлуғ ва буюк байрамимиз ҳақида дил изҳоримни баён этмоқ ниятида жидду-жаҳд қилиб аввало инсоний меҳр муҳаббатдан гап бошладиму... Сўз илоҳий куч-қудратга эга, дейишади. Унинг яна табиий қуввати ҳам бор. Урни келди, ана шу илоҳий, табиий муъжизага эга , сўзда давом этарканман, кўнгилдан беихтиёр кечган иқроримни ҳам ошкор этмасам, сира-сира бўлмайди, чоғи. Биз мустақиллик бахш этган кўпдан-куп имкониятлар, рушноликлар ҳақида сўз юритарканмиз, ана шуларнинг барчасига — юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, маданий ислоҳотларга бош-қош бўлиб келаётган, нурли улуғвор сиймосида халқимизнинг энг чиройли, энг ибратли жиҳатлари уз аксини топган Президентимиз Ислом Каримовга буюк байрамимиз муносабати билан албатта эзгу тилакларимизни ҳам изҳор этамиз. У кишининг ҳар галги халқ билан елкама-елка, юзма-юз туриб қурган суҳбатларини, ҳаётнинг энг долзарб мавзулари ҳусусидаги чиқишларини ҳаммамиз ойнаи жаҳондан нигоҳларимизни узмай жон қулоғимиз билан тинглаймиз. Чунки юртбошимиз билан бирга шонли тарихимиз, бугунимиз, келажагимиз-тақдиримизга дахлдор масалаларни тингламоқ, таҳлил ва тасаввур қилмоқ улуғ саодатдир.

Президентимизнинг ҳаётий йўл-йўриқлари, ўгитлари, эса, бизни фахру ғурур билан яшашга ундайди: ҳаётимизнинг ҳамма томони мустақиллигимизга мос ва муносиб бўлсин, тўқлик ва фаровонлик барқарор топсин, нонимиз бутун булсин;. халқимиз маънавияти, маданияти юксалсин; шаҳар-қишлоқларимиз, ҳовли-жойларимиз, кўчаларимиз обод бўлсин; табаррук отахонларимиз онахонларимизни бошимизда кўтарайлик, уларнинг ҳаёт тажрибасидан ибрат олайлик; болаларимизни билимли, маърифатли қилиб тарбиялайлик, токи эртанги кунда, бизга муносиб ворислар бўлиб етишсинлар; мушфиқ, мунис оналар — аёлларимиз елкасидаги юкни енгиллаштирайлик; инсондаги ҳамма эзгуликлар оилада шаклланади, оилада камолга етади-оила мустаҳкам бўлсин. Эҳ-ҳе, бу турмуш, бу ҳаёт кунба-кун олдимизга қўяётган вазифалар, муаммолар нақадар куп... Бизнинг ўтмиши буюк, бугунию эртаси мунаввар ва ёруғ халқимиз бунёдкорлик йўлидан дадил қадам ташлаб боряпти. Улуғ байрамимиз арафасида юртдошларимизнинг эзгу ниятлари ижобат бўлишига тилакдошмиз...

**Дилбар САИДОВА**

*Буюк арафа муждалари*

## БАЙРАМ СОВҒАСИ

ТошМИнинг 2-тиббиёт клиникаси қошида Ўзбекистонда ягона булган эшитиш ва овозни қайта тиклаш Республика Маркази ташкил этилди. Куни кеча ана шу Марказнинг очилиш маросими булиб утди. Унда Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси Коачи Обато, Республика ижтимоий таъминот вазири Б. Умрзоқов, Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А. Ёрқулов. «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг раиси Гулнора Йўлдошева ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Анжуманни Г. Йулдошева очиб, йиғилганларни бу янги Марказ ҳамда яқинлашиб келаётган улуғ айём билан қутлади. Жумладан, эл-авлод соғлиги йулида хизмат қилаётган оқ халат соҳибларига энг яхши тилакларини билдирди.

Йиғилишда сўзга чиққан янги Марказ бошлиғи, профессор А. Ҳакимов зарур ускуналарни сотиб олиш учун 50 минг АҚШ доллари миқдорида грант ажратган Япония мамлакатига ва бу борада жонкуярлик билан ёрдам берган ташкилотларга ўз миннатдорчиликларини билдирди. Миллий аънаналаримизга мувофиқ Япон элчисига ўзбекона тўн, белбоғ, дўппи кийдирди.

— Республикамиз аҳолисининг 18 мингга яқини эшитиш қобилиятини йўқотган. Шулардан 8 мингини вояга етмаған болалар ташкил қилади, — дейди профессор А. Ҳакимов. — Булар асосан мия жароҳатларидан, сурункали касалликлардан кейинги асоратлардир. Марказимизнинг асл мақсади-юртдошларимиз соғ-омон бўлсинлар, Мустақил Ватан фаровонлиги йўлида яшаб меҳнат қилсинлар.

**Д. ТУРҒУНОВА.**

*Минг мисолдан бир мисол*

## ИҚБОЛИ БАЛАНД НАВРЎЗБЕК

Мустақиллигимизнинг биринчи баҳорида, яъни 21 март куни Фарғона вилоятидаги Ўзбекистон туманига қарашли Қуш-қуноқ қишлоғидаги Бозоровлар оиласида чақалоқ туғилди.

Оиланинг отахони Бозорбой ота, онахони Ойшахон аялар дунёга келган набираларига Наврўзбек деб исм қўйищди. Бу ном Наврўзбекнинг дадаси Нозимжонга ҳам, аяси Журахонга ҳам жуда маъқул тушди.

Бу йил Ўзбекистон туманидаги Садриддин Айний номли 20-сон ўрта мактабнинг 1-синфига борадиган Наврўзбек лотин тилида чоп этилаётган «Ғунча» журналини мустақил ўқийди. Ўзбекистон мадҳиясини ёддан билади. Турли давлатлар байроғи орасидан Ўзбекистон байроғини алоҳида ажрата олади.

Ёш Наврўзбек Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг пойтахт шаҳарларини номма-ном айтиб ҳатто шу давлатларнинг Президентлари кимлигини айтиб беради.

Ҳаётга қизиқувчан, билимга чанқоқ бир қишлоқ боласи билан бўлиб ўтган қисқа суҳбатимдан шу нарса намоён бўлдики, Наврўзбекнинг ўқиш жараёнида унга бироз эътибор берилса, келгусида билимдон, ёш давлатимизнинг тенгқур авлоди бўлиб, айниқса қишлоқларимизнинг ривожи учун катта ҳисса қушадиган йигитлардан бири бўлишига ишончим комил. Мустақиллик фарзанди бўлмиш Наврўзбекка омад тилаб, бундан буён у билан алоқа боғлаб туриб, келажаги ҳақида Сизларга янги-янги маълумотлар бериб туришга ҳаракат қиламан.

**С. САИДАҲМАД**

*Ахборот*



## «БАХТЛИ ОИЛА-ДАВЛАТ БОЙЛИГИ»

19 август куни «Туркистон» санъат саройининг муҳташам ёзги биносида ўтган байрам тадбири ана шундай шиор остида бўлди.

Маълумки, республикамизда «Ибратли оила» кўрик-танловининг маҳалла, қишлоқ, туман, вилоят босқичлари ўтказилмоқда. Юнусобод туманида утказилган ана шу танлов ғолиблари ва совриндорлари аниқланди. Туман миқёсида Абдувосиқ ота Носировлар оиласини мутлақ ғолиб деб топилди. Бу оила «УзДЕО» телевизори билан тақдирланди. Иккинчи ўринни эгаллаган Тоҳир ота Саъдиевлар оиласига ҳам телевизор, ибратли оила деб топилган Иброҳим ота Ҳайдаров, Жуманазар Отабоев, Сафар ота Мамадиёровлар оиласи ҳам туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи ва гилам билан рағбатлантирилди.

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ҳокимлиги, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси, туман хотин-қизлар қумитаси томонидан уюштирилган бу кеча мустақилликнинг 7 йиллиги ва «Оила» йилига бағишланди.

Кеча сўнгида халқимизнинг севимли ҳофизлари Н. Ҳайдаров, Н. Абдуллаева, С. Қозиева, Ф. Зокиров ва «Ялла» гуруҳи, Э. Рузиматов ҳамда «Баҳор» рақс дастасининг чиқишлари йиғилганларга байрамона кайфият улашди. Дилларимиз қувончи-болаларга бепул музқаймоқ тарқатилди.

**Д. ДАВЛАТОВА**

**Суратда: Танлов ғолиблари Абдувосиқ ота Носиров оиласи билан.**

# БИЗНИ ҚУТЛАЙДИЛАР

## *Барбара Логан Ҳей,* Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчиси



Истиқлолга турли давр ва давлатларда турлича сиёсий-ижтимоий йўллар билан эришилади. «Ўзбеклар мустақилликни осонгина қўлга киритдилар», — дегувчилар хато ўйлашади. Ҳурлик йўлидаги чеккан озми-кўпми, машаққатлари интиҳосига етиб, фаровонлиги сари дадил қадам ташланаётганлиги қувончли ҳолдир.

Етти йил ичида эришилган иқтисодий-ижтимоий муваффақиятларни кўриб, Ўзбекистонни Европанинг ривожланган мамлакатларига қиёслагим келади.

Мустақилликнинг илк йилидаёқ икки юзга яқин жаҳон мамлакатлари Ўзбекистон Республикаси — Давлат сифатида тан олишлари — юртингизнинг иқболи баланд, сиёсий мавқеи беқиёслигидан нишонадир.

Жаннатга монанд бу юрт гўзаллигига «узук кўзидаги ёқутдек» ярашиб турган бағри кенг, сабр-қаноатли ва матонатли ўзбек халқига газетангиз саҳифалари орқали самимий байрам табригимни, эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Мустақилликнинг эпкин шабадалари ҳар бир ўзбек оиласига бахт-саодат, ҳур иқбол, тўкин-сочинлик келтирсин.

## *Йўланта Брунетте Гётц,* Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси



Ўзбекистонда иқтисодий — ижтимоий ислоҳатлар фақат бугун эмас, балки эртанги кунлар фаровонлиги учун амалга оширилаётганлиги халқимизнинг келажакка бўлган кучли ишончидан далолатдир.

Бундай дейишимизнинг боиси бор. Ўзбек йигит-қизларининг илмга чанқоқлиги, улар фақат МДҲда эмас, кунчиқар — Япониядан, то мағриб — Америка Қушма Штатларигача бўлган бир неча унлаб мамлакатларда билим-тажриба урганишлари уз самарасини бера бошлади, деб ўйлайман.

Менга маъқул булган яна бир нарса — иқтисодий барқарорликнинг негизи чет эллик сармоядорлар ажратаётган маблағлар фақат Тошкентда тупланиб қолмай мамлакатингизнинг турли вилоят ва туманларида режа асосида саноатнинг турли соҳаларини тенгба тенг ривожланишига сарфланмоқда, маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланмоқда. Бу — халқ фаровонлигини кўтариш демак.

Миллий фаровонлик фақат иқтисодиёт билангина чегараланиб қолмайди. Маънавият, миллий мафкура — миллат кўзгусидир. Бу соҳада мамлакатингиз раҳбарлари олиб бораётган тадбирлар ҳам таҳсинга лойиқдир. Демократик инқилобни виждон ва сўз эркинлигисиз амалга ошириш жуда мушкулдир. Бу борада қилинаётган саъй-харакатлар ҳам миллий қадриятларнинг сайқалланган олмосдек бўлишига асосдир. Ўзбек аёллар ининг жамиятдаги тутган ўрни ҳусусидаги фикрларим ҳам, албатта ижобийдир.

Етмиш йил ичида амалга ошиши мушкул бўлган улкан зафарларга етти йилда эришолган қалби дунёга очиқ ўзбекистонликларга кўнглимдаги энг залворли туйғуларимни изҳор этаман, уларни мустақиллик — миллий байрамлари билан қизғин кутлайман.

***Музаффар МИРЗО суҳбатлашди.***

*Ифтихор*

# ШУКРОНАЛИК

**Мустақиллик бизга шунчалик кўп нарса ҳадя этдики, буни санашга рақамлар ожизлик қилади. Мустақилликнинг шарофати ила, эркин калам тебратаяпмиз. Биз журналистлар учун барча имкониятлар мавжуд. Эркин фикр юритаяпмиз. Қулимизни қаёққа узатсак етади. Ташаббус билан ишласак, меҳнат қилсак, рузғоримизга барака кираяпти. Қишлоқларимиз обод, хонадонларимиз гулларга бурканяпти.**

**Намунали оилаларимиз янада кўпайди. Мустақилликнинг ўтган йиллари шахсий ҳаётимда ўчмас из қолдирди, катта ўзгаришлар бўлди. Қизларим — Ирода олийгоҳни тугатиб, муаллима, Умида шифокор, ўғиллари Улуғбек санъаткор, Отабек шифокор, бўлишди.**

**Президентимиз ташаббуси билан бошланган «Тест» синовлари туфайли ҳақикат қарор топиб, кенжа қизим Наргиза ўтган йили Андижон тиббиёт олигоҳига ўқишга кирди. Ўтган 7 йилда 2 келин олиб, 4 та невараниңг севимли бувижониси булдим. Андижон аёллари тарихида биринчи бор нашр этилган «Икбол» рўзномасига таҳририят аъзоси этиб сайладилар. Туман хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Ижодкор аёл» гуруҳини бошқаряпман. Истиқлол туфайли, узоқ йиллар орзиқиб кутган «Соғинч парвози» шеърлар тўпламим муштарийлар қўлига тегди. Менимча, дунёда бундан ортиқ бахт бўлмаса керак ижодкорга. Узоқ йиллар Андижондан Хоразмга, туғилиб ўсган юртимга бориб келишда жуда қийналардим. Чунки поездлар Тошкент орқали узоқ йўл босиб етиб борарди. «Андижон-Ургенч» поездининг йўлга қўйилиши, бу қулайлик бизни ' яъни, Андижонда яшовчи хоразмликларни чексиз қувонтирди.**

**Амалга оширилаётган тадбирлар, улкан савобли ишлар, инсонларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар давлатимиз буюклигидан далолат беряпти. Президентимиз ташаббуси билан «Умид» жамғармасининг ташкил этилиши, фарзандларимиз хорижга бориб ўқишлари мустақиллик туфайли амалга ошди. Президентимиз ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикасининг Давлат ва ижтимоий қурилишда хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғриси»даги фармони асосида (2 март 1995 йил) вилоят ва туманлар ҳоким ўринбосарлари, бош мутахассислар лавозимларининг таъсис этилиши айни муддао бўлди.**

**Президентимизга, минг бор ташаккур. Биз аёллар мустақилликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшаверамиз.**

***Раънохон ЖУМАНИЁЗОВА***
***Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, журналист***

*Саҳоват*

# БЕҒУБОР ҲАЁТ ТИЛАЙМАН



Диёримизда болаларнинг соғлом ва ҳар томонлама етук улғайишлари ҳукуматимиз ва жамоат ташкилотлари диққат марказида турибди. Улуғ байрам арафасида биз Республика Болалар жамғармасининг раиси И. Юсупова билан учрашиб шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Кам таъминланган оилалар, етим-есир, ногирон, «Меҳрибонлик уйлари»нинг фарзандлари, уларни даволаш муассасаларини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Болалар жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади.

Ота-онасиз болаларни васийликка олган оилалар жамғарма томонидан мунтазам назорат қилинади, керакли йўриқлар бериб борилади. Бунда айниқса, «мактаб-оила-жамият» йўналишадиги ишларимиз диққатга сазовордир, — деди Инқилоб Юсупова.

**— Сиз билан мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида учрашиб турибмиз. Шу санага бағишланган тадбирлар ҳақида ҳам тўхталсак...**

— Маълумки, байрамдан бошқа пайтда ҳам етим-есир, ногирон, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари алоҳида эътиборимизда.

Бухоро вилоятидаги булимимиз етим ва ногирон болалар учун 100 минг сўмлик, «Нуроний» жамғармаси билан биргаликда яна 100 минг сўмлик кийимбошлар тарқатишиб, байрам шодиёнаси куни катта концерт намойиш этилади. Бундан ташқари 300 нафар кам таъминланган оила фарзандларига кийимбош, йигирма нафар болага суннат тўйи қилиб берилади.

Сирдарё вилоятида икки юз нафар болага байрам зиёфати берилади. 27-сонли «Меҳрибонлик уйи»нинг қирқ нафар тарбияланувчилари Бухоро шаҳрига саёҳатга боришади. Андижон вилояти «Халқаро Бобур жамғармаси» юз нафар бола иштирокида «Истиқлол эгаси сенсан, болажон!» мавзуидаги концерт намойиш этиб, сайилда қатнашишади.

Шунингдек, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари томонидан ҳам турли байрам тадбирлари ўтказилади.

Ўтказиладиган барча тадбирларимиз, дастурлар, ташаббуслар, жойлардаги ҳокимиятлар, хотин-қизлар қўмиталари, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

**— Инқилоб Турсуновна, йил бошида Бола ҳуқуқларига бағишлаб конференция ўтказилганди...**

— Болалар конвенциясидан бир нарса кўзда тутилган. Яъни болаларимиз ёшликдан ўз ҳақ ҳуқуқлари конвенциясига билиб вояга етсинлар

**— Байрам арафасида юртдошларимизга тилакларингиз...**

— Мен бутун жамоамиз номидан барча оилаларга бахт-саодат, болажонларимизга соғ-саломатлик, беғубор ҳаёт ва порлоқ келажак тилайман.

***Басира САЙЙИД АЛИ***

*Садоқат*



# ДУНЁНИНГ ЭНГ МАШҲУР КИШИСИ

Америкада таъсис этилган «ХХ асрнинг энг машҳур 500 кишиси» руйхатида бизнинг юртдошимиз — Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти патологик анатомия кафедраси мудири — Республикада хизмат курсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Малика Саматовна Абдуллахужаева ҳам киритилганлиги биз учун ғоятда фахрли ва қувончлидир.

Малика Саматовна бу обрў, бу юксак эътиборга меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат билан эришди. . Ьир умр уқиш, изланиш унинг энг олий шиори булди. М. Абдуллахужаева 28 ёшида фан номзоди, 35 ёшида фан доктори даражасига эришди 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси муҳбир аъзолигига сайланди.

М. Абдуллахужаева юзлаб илмий мақолалар, унлаб монографиялар, дарсликлар муаллифидир. Олима йирик илмий мактаб асосчиси, устозларнинг устозидир. унинг шогирдларини наинки Ўзбекистонда, балки АҚШ, Ҳиндистон, Непал, Яман, Миср, Россия мамлакатларида учратишингиз мумкин.

Малика Абдуллахужаева ташаббуси билан 1995 йилда Халқаро патология академиясининг Марказий Осиё булими ташкил топди. У ушбу академия булимининг Президенти сифатида Ўзбекистон Республикасидаги олимларнинг фан ва маданият соҳасидаги ютукларини оммалаштириш юзасидан катта ишларни бажаряпти. М. Абдуллахужаева «Аҳолининг саломатлиги ва атроф-муҳитни кимёвий моддаларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш» халқаро лойиҳасини тайёрлашда Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг илмий маслаҳатчиси, мувакқат консультанти ва эксперти тариқасида қатнашди. Австралия, Ҳиндистон, Англия, Канада ва Кения олимлари билан биргаликда жигарни шикастлантирадиган пирролизидин алкалоидларини урганишга доир бутун жаҳонда тўпланган тажриба умумлаштирилган монографияни тайёрлади. Бу китоб токсик гепатозни урганишда Ўзбекистон олимлари юксак натижаларга эришганликларини курсатди.

М. С. Абдуллахужаева фаол жамоат арбоби ҳам. У Портленд, Сан-Франциско, Лос-Анжелес, Санта-Круз, Фреснода Ўзбекистон маданияти, тиббиёт илмининг ютуқлари, тинчлик учун ва зуравонликка қарши курашда хотин-қизларнинг роли ҳақида маърузалар қилган. Тинчлик ишига қўшган ҳиссаси учун М. С. Абдуллахўжава АҚШнинг Калифорния штатидаги Фресно шаҳри фахрий фуқароси этиб сайланган.

Икки фарзандни ўстириб, тарбиялаб. эл қаторига қушиб (иккаласи ҳам шифокор), невараларга меҳрибон буви булиб, уз юрти шуҳратини жаҳонга куз-куз қила олган ҳазрати Инсонга-Аёлга-Онага олқишларимиз булсин...

***Н. ОДИЛОВА***

## Келмади

*Кеча келгум, деб отам уйдан олиб пул келмади,*
*Йўлларига сарғайиб кутдим неча кун, келмади.*

*Лаҳза-лаҳза чиқдиму, чекдим йўлида интизор,*
*Келди жон оғзимга-ю, лек не қилай ул келмади.*

*Қорним очди, уйқу қочди, қолмади хамёнда пул,*
*Кимса бормуким, ҳолим кўрганда кулгу келмади.*

*Пул исидан ёнима парвона эрди юзта қиз,*
*Пул иси йўқ бўлди, ҳидсиз гулга булбул келмади.*

*Толиби содиқ топилмас, берса уч ё тўрт сўм қарз,*
*Топмадим бир мард пул сўрмоққа маъқул келмади.*

*Энди, Толиб, уйқу бирла хуррам эт кўнгул уйинг,*
*Лек қорин оч, найлай, кўзга зарра уйқу келмади.*

**Рустам ЖАББОРОВ**

## ҲУР КУНДА ТУҒИЛГАН ҲАСАН-ХУСАНМИЗ

**(фахрия)**

— Менинг исмим Ҳасандир
— Менинг исмим Хусандир,
— Ҳур кунда туғилди деб,
Ҳамма биздан хурсанддир!

— Еттидадир бизнинг ёш,
Истиқлолга биз тенгдош!
— Ҳомий бизга ҳур диёр,
Қувонч бизга қариндош!

— Ой санаб оворамиз,
— Кун санаб оворамиз!
— Келса тезроқ Биринчи...
— Биз байрамга борамиз!

— Ҳамма ёқ ясан-тусан,
Ҳамма шод, ҳамма хурсанд!
— Туйлар куп юртимизда,
Байрамлар Ҳасан-Хусан!

— Булақолинг, Ҳасанбой,
— Хўш, нима гап, Хусанбой?
— Кетдик, байрам сайлига!
Оламиз тўридан жой!

**Тўлан Табассум**




## Талабанинг изоҳли луғати

МАЪРУЗА — Талаба учун айтилган алла
СТИПЕНДИЯ — Ишламай топиладиган даромад
ЁТОҚХОНА — Исми жисмига мос бўлмаган хона
ПАРТА — Талабалар архиви
СТАРОСТА — Бозор кўрмаган раҳбар
КУТУБХОНА — Ортиқча билимлар сақланадиган жой
СЕССИЯ — Ким учундир топар, ким учундир йўқотар ойи
ЎҚУВ БИЛЕТИ — Ортиқча юк
СЕМИНАР — Сўз эркинлиги
ДИПЛОМ — «Билимдон»лик тамғаси
ШПАРГАЛКА — Энг содиқ дўст
ОШХОНА — Таомлар кўргазмаси



**Қачон катта бўламан**

## ТошДУ янгиликлари

### ЯНГИ ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

Университетнинг бир гуруҳ талабалари томонидан «Минг бир баҳона» номли энциклопедия яратилди. Ушбу энциклопедияга талабалар учун сув ва ҳаводек зарур бўлган 1001 баҳонага шарҳ ҳамда уларни ўз ўрнида ишлатиш бўйича кимматли маслаҳатлар жамланган булиб, уни тез орада Университет босмахонасида чоп этилиши кутилмоқда.

### АНТИҚА ИХТИРО

Иқтидорли талабаларимиздан бири антиқа ручка ихтиро қилди. Ручка ўзидан киши онгига таъсир ўтказувчи биоэнергия тарқатади, шу боис уни қулга олган домла ҳеч қачон талабаларга «ўрта» ва «қониқарсиз» баҳо қўя олмайди. Ушбу ихтиро ёзги сессия вақтида норасмий синовдан муваффақиятли ўтди. Бироқ ихтирочи-талаба нимадандир чўчияпти, шекилли, ўз номининг сир сақланишини илтимос қилмоқда.

### ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

Университет раҳбарияти толиб ва толибаларнинг бирбирларига бўлган муносабатларини яна-да мустаҳкамлаш мақсадида Талабалар шаҳарчасида «Муҳаббат боғи» барпо этиш ҳақида қарор қабул қилди. Раҳбариятнинг таъкидлашича, боғ учун шаҳарчанинг энг сокин ери танланган булиб, шу ернинг ўзига «Бахт уйи» қуриш режалаштирилган.

### АЖОЙИБ СОВҒА

Хорижий филология факультетининг ёш олимлари талабалар учун ажойиб совға ҳозирлашди. Улар яратган «Домла-талаба ва талаба-домла сўзлашгичи» талабаларга исталган домла билан тезда тил топишиб олишларига ёрдам беради. Ушбу қулланма кенг китобхонлар оммасига мулжалланган бўлиб, ундан нафақат талабалар, балки домлалар ҳам, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари ҳам бемалол фойдаланишлари мумкин.

### ИШОНЧИНГИЗ ЎЛМАСИН

Кутилмаганда ёзги сессия вақтида купчиликка маълум ва машҳур бўлган факультет талабаси билан нуфузли кафедра домласи ўртасида келишмовчилик содир бўлди. Ҳар икки томон ҳам ўзларини ҳақ санаётганликлари боис можарони одилона ҳал қилиш шу кафедранинг мудирига юклатилди. Кафедра мудири бу масалани таътилдан қайтгандан сўнг кўриб чиқишини маълум қилди. Ҳозирча домланинг ҳам, талабанинг ҳам дилида ишнинг адолат билан ҳал этилишига бўлган ишонч туйғуси мавжуд.

***ТошДУ Ахборот Агентлиги хабарлари асосида тайёрланди***

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Ҳомий «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

Муассисларимиз Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ Тошкент- 700000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176
ташкилотлар учун 177
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0261
21317 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нархда.
Навбатчи Саййид ОЛИМ

*Шиоримиз: Оила - жамият фахри*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти -20.00.
Босишга топширилди - 18.30.